

Эҳтиёжманд оилалар – доимий эътиборда

Учкўприк тумани ҳокимлиги томонидан эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бугун Фарғона вилояти прокуратураси билан ҳамкорликда туманда қиш мавсумида эҳтиёжманд оилаларга зарур ёрдамлар кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар хонадонбай ўрганилди.

Ўрганиш давомида тумандаги масъул раҳбарларга бириктирилган 435 та эҳтиёжманд оилаларнинг турмуш шароити, хонадонларининг иситиш тизимлари яна бир бор кўздан кечирилиб, зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Жумладан, 112 та оиласа суюлтирилган газ баллонлари, 36 та оиласа иситиш мосламалари етказиб берилди, юздан ортиқ хонадонга 20 тоннадан зиёд кўмири ҳамда зарур озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Туман камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими ҳамда мазкур оилаларга бириктирилган банклар томонидан 12 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларга уларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида тикув машиналари берилди.

2024-12-12 14:08:41